

ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА ВИРТУАЛ СТЕНДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Норқулова Сорахон
ЖДПИ ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада юқори синф ўқувчиларини жаҳолатга қарши маърифат руҳида тарбиялашда виртуал стендлардан фойдаланишнинг илмий-методик асослари баён қилинади.

Калит сўзлар: *Маърифат, жаҳолат, виртуал стенд, Ватанни англамоқ, юқори синф, ўқувчилар, тарбиялаш, интеллектуал салоҳият, онг, қалб, ўқув материали, конституция.*

Аннотация. В данной статье описываются научно-методические основы использования виртуальных стендов в воспитании учащихся старших классов в духе просвещения против невежества.

Ключевые слова: *просвещение, невежество, виртуальный стенд, познать Родину, старший класс, учащийся, воспитание, интеллектуальный потенциал, сознание, дух, учебный материал, конституция.*

Ҳозирда дунё миқёсидаги маънавий ва иқтисодий –ижтимоий муносабатлар ниҳоятда тез глобаллашиб бормоқда. Айниқса, бу дунёнинг маънавий қиёфасида яққол сезилмоқда ва улар туфайли турли хил оқимлар ҳамда йўналишларнинг пайдо бўлишлари ҳам сезилмоқда. Бу борада “Оммавий маданият ва эркинлик” каби ниқоблар остида турли ғаразли мақсадларни амалга оширишларига бўлган уринишлар учраб турибди. Булар ўқувчи – ёшларимиз онги ва қалбига салбий таъсир қилишлари ҳам мумкин. Шу сабабли ўқувчи-ёшларнинг маънавий дунёқарашини мустаҳкам қилиб таркиб топтириш ҳозирда ниҳоятда долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Мазкур мақолада ҳам юқори синф ўқувчиларининг маънавий дунёқарашни кенгайтириш негзида уларни жаҳолатга қарши маърифий руҳда тарбиялаш ва унда виртуал стендлардан фойдаланиш масалаларини ёритиш мақсад қилиб олинади. “Ўқувчининг маънавий дунёқарашини асосида таълимий муаммолар ҳал этила борса, улардаги маънавий-ахлоқий қобилият уйғунлиги намоён бўлади. Бундай жараёнда қуйидаги мотивлар асосий ўринни эгаллайди: маънавиятли бўлиш ижобий ҳислат эканлигини англайди; маънавиятли одам ким? – деган саволга жавоб бера олади; фанга қизиқиш янада ошади; ўқитувчилик касбига ҳам қизиқиш шакллана бошлайди; сеvimли устозга тақлид қилиш бошланади; мустақил фикр билдира бошлайди; ўз-ўзига талабчанлик шакллана бошлайди; ўз-ўзини таҳлил қила

олади; ташкилотчилик қилишга ҳавас уйғонади; ўзига ишонч пайдо бўла бошлайди; изланувчанликка иштиёқ пайдо бўлади ва шу кабилар” [3].

Демак, юқори синф ўқувчиларини жаҳолатга қарши маърифат руҳида тарбиялашда уларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш муҳим аҳамият касб этар экан. Ҳозирги замонавий таълим - тарбия тизими олдида ўқувчи ёшларни маънан етук, жисмонан соғлом ва интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялаш вазифаси туради. Шунинг учун ҳам бугунги кундаги асосий масалалардан бири сифатида юқори синф ўқувчиларини маънавий етук, интеллектуал салоҳиятли, яъни кенг дунёқарашли қилиб шакллантириш замонавий педагогиканинг долзарб муаммоларидан бирига айланиб бормоқда.

Юқори синф ўқувчиларининг маънавиятини юксалтираётган айти бир пайтда инсоният ҳаётига катта хавф туғдираётган халқаро терроризм, норкоагрессия, одам савдоси каби офатларнинг мавжутлигини ҳеч қачон эсан чиқармаслигимиз лозим. Юқорида номлари зикир этилган офатлар бугунги кун ўсмирларига ўз таъсирини ўтказишда ижтимоий тармоқларнинг ўрни ҳам беқиёсдир. Шундай экан юқори синф ўқувчиларини жаҳолатга қарши маърифат руҳида тарбиялашда ёшларни ёт ғоя таъсирларидан асраш ҳозирда ўз ечимини кутаётган муаммодир.

Бу борада мазкур соҳа билан шуғулланаётган олимларимиз ҳам ёшлар маънавий иммунитетини мустаҳкам таркиб топтиришга ўз изланишларида эътибор бермоқдалар. Шу жумладан бизнинг изланишларимиз ва кузатишларимиз натижалари ҳам ўқувчилар маънавий иммунитетни юксалтиришда интеллектуаллаштирилган ўқитиш воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда [1].

Интеллектуаллаштириш воситалари ўқувчилар онгига маънавий кадриятларга оид маълумотларни сингдиришда ишончли дидактик асос бўла олади. Жумладан, вертуал стендларни тайёрлаш ва уни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш қўйилган муаммонинг оптимал ечимларидан бирини қўлга киритишга кенг имкониятлар яратади.

Вертуал стендлар – ҳақиқий объектлар, жараёнлар ва ҳодисаларнинг электрон модели. Мультимедиали воситалар – турли типдаги ахборотларни ва жараёнларни матн, расм, схема, жадвал, диаграмма ва вертуал муҳитларни яратиш, сақлаш, ишлов бериш, рақамлаштирилган ва жараёнли кўринишда амалга оширишнинг компьютерли варианты [2].

Демак, юқори синф ўқувчиларини жаҳолатга қарши маърифат руҳида тарбиялашда вертуал стендларнинг қуйидаги таркибий қисмларига аҳамият қаратиш лозим:

- Вертуал ўқув курси;

- Вертуал ўқув материали;
- Вертуал ўқув методлари.

Шунингдек, вертуал стендларга жойлаштириладиган маълумотлар ўзига хос таркибий қисмлардан иборат бўлади. Улар: маълумотнома; маърифий; маънавий; демократик кўмак; йўналтирувчи каби қисмлардан иборат бўлади. Булар юқори синф ўқувчилари билан ўтказиладиган тарих, Ватан туйғуси, она тили ва адабиёт, ҳуқуқшунослик, дин тарихи каби фанларда ижтимоий педагогик самараларни беради. Биз фикримиз тасдиғи сифатида 5 синф “Ватан туйғуси” фанидаги “Ватанни англаш” мавзусини ўрганиш жараёнини келтирамиз [4].

“Ватанни англаш” мавзуси орқали ўқувчиларда Ватанни чин юракдан севиш, она юрт тарихи, унинг бугунги тараққиёти, одамлари, урф - одатлари, қадриятлари ҳақида тушунчаларга эга бўлишди. Бу тушунчаларни ўрганиш вертуал стендлар орқали олиб бориладиган педагогик самарадорлик янада яхшироқ бўлди. Ушбу жараёнда мазкур мавзу асосида ўқувчиларда юқорида қайд этилган тушунчалар орқали уларда жаҳолатга қарши, яъни салбий фикрларга қарши фикрларни вертуал стендларда жойлаштириб Ватанисизнинг бебаҳо, зуко халқи ёш авлод тарбиясига оид билимлар тизими шакллантирилди ва ушбу соҳада вертуал стендлардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ эканлиги яна бир бор тасдиқланди. Бизга маълумки, ҳозирги ривожланган даврда вертуал стендлардан фойдаланилса ёшларни она заминнинг ҳаққоний фарзанди этиб шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Вертуал стендлардан фойдаланиш ёшларни:

- ватанига, халқига садоқатли;
- миллий ғояларни тарғиб қилувчи;
- эркин ва мустақил фикрлайдиган;
- интеллектуал салоҳияти юқори;
- узокни кўра оладиган шахс бўлиб шаклланишига ёрдам беради.

Юқори синф ўқувчиларида жаҳолатга қарши маърифат воситаси орқали Ватанни англаш борасида назарий ва амалий асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ватанпарварлик ва ватан ҳимояси ҳақидаги ғоялари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси қонун ва қарорлари, Халқ таълими ва Олий ва ўрта махсус талим Вазирлигининг буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда педагогика ва психология, тарбиявий ишлар услубияти, маънавият асослари, педагогика соҳасига тегишли фанлар ва бошқалар хизмат қилади.

Юқори синф ўқувчиларида жаҳолатга қарши маърифат туйғуларини шакллантиришда биз буюк алломаларимиздан: Имом ал-Бухорий, Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Мотуридий,

Замахшарий, Юсуф Ҳамадоний, Нажмиддин Кубро, Ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Бобур, Бобораҳим Машраб, Лутфий, Саккокий, Амир Темур, Мирзо Улуғбекнинг ватанга садоқат, жасорат, қаҳрамонлик, инсоний фазилатлар борасидаги асарларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу билан бир қаторда замондош шоиру, ёзучиларимиз ва олимларимизнинг асарлари ўқувчилар томонидан мутолаа қилиниши уларнинг эртанги кунда замон талабига мос тарзда шаклланишига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда давлатимиз томонидан ёшлар ўртасида компьютер саводхонлигини оширишга катта аҳамият берилмоқда.

Юқоридаги фикрлардан кўришиб турибдики, энг аввало юқори синф ўқувчиларида жаҳолатга қарши маърифат туйғуларини таркиб топтиришга ва бугунги кунимизда фойдаланишни кўзлаб фаолият юритишимиз керак. Бунда юқори синф ўқувчиларида жаҳолатга қарши маърифат туйғуларини шакллантиришда виртуал стендлардан самарали фойдаланиш асосида бугунги кун ёшларида она юрт тарихи, Ватанни севиш, бугунги кун тараққиёти, кадриятлари, одамлари, табиати ҳақида мукамал билимларни таркиб топтириш зарур бўларди.

Юқори синф ўқувчиларини жаҳолатга қарши маърифат руҳида тарбиялашда виртуал стендлардан фойдаланиб шакллантиришда бир қатор билимларни эгаллашдан иборат деб қараш мумкин эмас. Балки уларда дунё воқеалари, ахборот маданияти, олинадиган ахборотнинг ғоявий-сиёсий даражаси, материалларнинг хилма-хиллиги ва мазмуни, тузилишини ўз онгида идрок этиши юқори синф ўқувчиларида жаҳолатга қарши маърифатли қилиб шаклланишининг асосини ташкил этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ушбу мақола юқори синф ўқувчиларини жаҳолатга қарши маърифат руҳида тарбиялашда виртуал стендлардан фойдаланиш орқали ўқувчиларда атроф муҳитга эътиборлилигини, жамиятга бепарқмаслигига, мустақил фикрлашга, маънавий қашшоқликдан асрашни, интеллектуал салоҳиятли, узоқни кўра оладиган шахс қилиб тарбиялашга, баркамол авлодни шакллантиришда хизмат қилади.

Шу сабабли юқори синф ўқувчиларини жаҳолатга қарши маърифат руҳида тарбиялашда виртуал стендлардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик: Юқори синф ўқувчиларида жаҳолатга қарши курашиш туйғусини шакллантиришда телекоммуникацион воситалари имкониятларидан фойдаланиш; шоирлар, ёзувчилар ва актёрлар томонидан келажак авлодларга қолдирган нодир асарларини жаҳолатга қарши маърифат борасида виртуал стендлар яратиб ўқувчилар эътиборига ҳавола этиш;

халқимиз қаҳрамонларининг Ватан туйғуси ҳақидаги вертуал стендлардан фойдаланиш; юртимизнинг тинчлиги, халқ фаровонлиги ҳамда юрт ободлиги ҳақидаги фаолиятга тегишли маълумотларни юқори синф ўқувчиларининг онги ва қалбида шакллантириш орқали уларда ўзбек халқининг иродаси, қалби поклиги, орзу – умидлари бўлган мард ва жасурлик, жасоратлилик ва қаҳрамонликларни юқори синф ўқувчиларида шакллантиришга эришамиз. Шу сабабли юқоридаги жиҳатларни, яъни ўқувчилар онгида шакллантириладиган маънавий сифатларни таркиб топтириш метод ва технологиялардан узлуксиз таълим тизимининг бошқа таркибий қисмларида ўқувчи – талабаларнинг маънавиятини юксалтиришда бемалол фойдаланиш мумкин ва шубҳасиз улар ижобий педагогик самараларни беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қуроноф М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. – Т.: “Академия”, 2008. – 32 б.
2. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х. ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2009. – 672 б.
3. Турақулова И., Маҳкамова М., Исақулов М., Қурбонов А. Маънавий – иммунологик тарбия тизимини яратиш ва ундан амалиётда фойдаланиш. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2015. – 284 б.
4. Султонов Х., Қаршибоев М. Ватан туйғуси. 5-синфлар учун ўқув кўлланма – Т.: “Ma’naviyat”, 2015. - 110 б.